



ХИВА ШОИРЛАРИ ИЖОДИГА ФЕРУЗ ДАВРИДА КИТОБАТ ҚИЛИНГАН ДЕВОНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Музаффаров Н.Х.

Тошкент Давлат Шарқшунослик университети

Матншунослик ва адабий манбашунослик

(шарқ тиллари бўйича) факултети

магистратураси 2-курс тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7931870>

ARTICLE INFO

Received: 03rd May 2023

Accepted: 11th May 2023

Online: 12th May 2023

KEY WORDS

Огаҳий, диний мавзудаги
қўлёзмалар, Комил Хоразмий,
Аҳмаджон Табибий,
Муҳаммад Юсуф Баёний,
Муҳаммад Юсуф Доний,
Отаниёз қори Ниёзий
Хоразмий, Мунис ва Огаҳий.

ABSTRACT

Хоразмнинг тарихи сингари санъати, муסיқаси тарихининг ҳам қадимийлигига шубҳа йўқ. Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида бир пайтлар Ниёзжон хўжа (XIX аср боши) тартибга солиб кетган Хоразм мақомлари яна-да тартиблашди, жамланди. Ўша давр тарихчилари ёзадилар: «Муҳаммад Раҳимхон соний, муסיқий илмина чўнг даражада ҳавасли бўлиб, муסיқий ишлари мунинг замонасида бутун-бутунча бошқа бир ҳол касб этадур. Бурундан халқ орасинда озроқ истанилган муסיқий ишлар ортиқмоч бир суръатда тарқаладур ва миллий нағмаларни вужудга чиқмағина имконият яраладур. Хусусий мутахассис муסיқашунослар дураб, (яралиб) шашмақом нағмаларининг мушкилот, тасниф қисмлари айрича аҳамият касб этиб, мушкилот била тасниф қисмларина тааллуқли шашмақом нағмалари бурунги ҳолидан ҳийлича ўзгариб, неча қўшимчалар қўшулиб, ямаладур.

Хива хонлигининг Қўнғирот сулоласи (1763-1920) ҳукмронлик қилган даврларда қўчирилган қўлёзма асарларни кўздан кечириб эканмиз, уларнинг энг асосийлари ва китобат санъати нуқтаи назаридан эътиборга молик бўлганларини асосий бандларда таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Хоразм азал-азалдан Шарқнинг маданият ўчоқларидан бўлиб келган. Инсоният тамаддунининг чўққиси ҳисобланмиш илмий академиялардан бири ҳам мана шу заминда Хоразмшоҳ Маъмун саройида ташкил топган эди. Хоразмга Исломи дини араблар томонидан 711 йилда кириб келган¹. Ана шу вақтдан бошлаб бу ерда ҳам диний илмлар ривож топди, диний раҳнамолар, уламолар ўзларининг илмий фаолиятларини юритдилар. Жумладан, Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144), ал-Баққолий ал-Хоразмий (1097-1190), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Қосим б. Хусайн ал-Хоразмий (1160-1221), Шамс ал-аймма Муҳаммад ибн Абд ас-Саттор ал-Кардарий

¹ Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. – Б. 69-71.; Жуманиёзов Р. Қадимий Хоразм тарихи. – Урганч, 1993. – Б. 37-40.



(1203-1244), Нажм ад-дин аз-Зоҳидий (ваф.1260) каби хоразмлик дин пешволари Аббосийлар (749-1258) ва Хоразмшоҳлар (1077-1231) даврида Ислом оламига донг таратган бўлса, Темурийлар (1370-1500) замонида Ибн Баззоз ал-Хоразмий (ваф.1423), Нўъмон ад-дин ал-Хоразмий (XIV аср) каби зотлар кўзга кўринган олимлар сифатида умргузаронлик қилдилар². Кейинчалик Шайбонийхон (1500-1510)га атаб фатово тасниф қилган Муҳаммад Али ал-Хоразмий (ваф.930/1523) номини фахр билан тилга олиш мумкин. Ушбу зотлар ўз даврининг етук дин олимлари сифатида авлодларга илмий мерослар ҳам қолдиришган албатта.

Биз ушбу фаслимиз аввалида Хива хонлигининг сўнги даврларида яшаган дин пешволари ҳамда бу заминда кўчирилган диний адабиётлар ва уларнинг китобати, хаттотлик санъати ва уларнинг аҳамияти ҳақида тўхталишни жоиз топдик.

1799-йилда Авазбий иноқнинг буйруғи билан Абд ар-Раҳмон Жомий (1414-1492)нинг “Шарҳ Мулло” асарининг ўша даврнинг моҳир хаттотларидан бири Аллоҳқули ибн Даргоҳқули Хоразмий томонидан кўчирилиши ушбу асарга мадарасаларда ва кутубхоналарда талаб катта бўлганини билдиради.

Аллоҳқулихон диний илмларга кўпроқ аҳамият бера бошлади. Шарқшунос О.Муталовнинг ёзишига қараганда, Аллоҳқулихон ҳар кун холис ният ва оқ кўнгиллик билан бомдод намозидан сўнг катта дастурхон тузаб, ўз хонасига иззат-икромга лойиқ аъло фазилатли уламо ва олий мартабали амалдорларни ундаб келтириб, дунёвий ва диний мавзуларда турли суҳбатлар уюштирар эди³. Аллоҳқулихон 1828 йилнинг ёзида Тошқовуздаги боғига мамлакатдаги донғи кетган уламо ва мударрислар ҳамда талабаларни йиғди ҳамда уларни тўрт жамоага бўлиб, шу даврдаги кўзга кўринган улуғ олимлар – Хожа Муҳаммад Содик эшон қози, Хожа Шамс ад-дин қози, Амир Вайис эшон ва Хожа Низом ад-дин Манқийларни ҳар бир гуруҳга бошлиқ этиб тайинлайди ва “Мишкот”, “Тавзиҳ”, “Мутаввал” ва “Ҳидоя” номли китобларнинг мутолаасига амр этади. Маълумки, ушбу асарлар мадраса таълим дастурларининг юқори босқичларида ўқитиладиган ҳадис, усул ал-фиқҳ, бадиат ва фиқҳга оид китоблардир.

Шу сабабдан бўлса керак, унинг даврида диний адабиётларнинг кўчирилган нусхалари кўпроқ учрайди. 1839-йилда Муҳаммад Ниёз ибн Абдуллоҳ ал-Хоразмий “Фатовойи Субҳоний” асарини (ЎЗР ФА ШИ инв.№9476), Тангриберди ибн Худойберди Хоразмий эса “Чаҳор китоб”ни (ЎЗР ФА ШИ инв.№7113) кўчирдилар. Ғайбуллоҳ хўжа ибн Домла Абд ар-раҳмон хўжа “Мажмаъ ал-ғаройиб” китобини (ЎЗР ФА ШИ инв.№9227/1) хонга атаб кўчирганлар.

Зеро, у ушбу китоб билан бирга яна “Жомиъ ал-фатово”, “Фатовойи Қозийхон”, “Ашъат ал-ламаъот” сингари фиқҳ ва ҳадисга доир китобларни ўзи қурдирган мадрасага вақф қилиб берган. Аллоҳқулихон даврининг шоирларидан Мағфурхўжа Саййид Ҳасан Хоразмий эса илмий ҳам ахлоқий ҳарактердаги “Усули илми ҳисоб”, “Фиқҳ”, “Ахлоқи Азийий” сингари бир қанча асарларни таржима қилади.

² Бу зотлар ҳақида тўла маълумот олиш учун қаранг: Абд ал-ҳай ал-Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийа ва Таълиқот ас-суннийя. – Қозон, 1902. – 342 б.; Уватов У. Донолардан сабоқлар. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. – 94 б.; Аб-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. – 80 б.; Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. 1097-1231. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. – 256 б.

³ Муталов О. Хива хонлиги... – Б. 69.



Маълумки, Муҳаммад Раҳимхон соний Хоразм ўлкасининг маданий ривожига катта ҳисса қўшди. Хива шу даврда адабий-маданий марказ сифатида иккинчи Ҳирот даражасига кўтарилди десак, муболаға бўлмас⁴. Феруз саройидаги девонда қирқдан ортиқ шоиру ёзувчи, тарихчилар, хаттотлар, таржимонлар, созанда ва хонандалар фаолият кўрсатди. Улар орасида Комил Хоразмий (1825-1899), Аҳмаджон Табибий (1869-1910), Муҳаммад Юсуф Баёний (1859-1923) каби қалам аҳли билан бирга Муҳаммад Юсуф Доий (1829-1909), Отаниёз қори Ниёзий Хоразмий (ваф.1928), Абд ар-раззоқ қори Фақирий Хоразмий (1884-1925) сингари диний олимлар ҳам бор эди.

Олдинги фаслларда қайд қилганимиздек, бу даврда ривожланган соҳалардан бири китобатчилик иши бўлиб, бунга Муҳаммад Раҳимхон шахсан ўзи ҳомийлик қилган ва китобат соҳасининг ривожланишини давлат сиёсати даражасига кўтарган. Бу ҳақда тарихчи Баёний ёзади: “Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат тузуб китобхонлиқ этдурур эрдилар... Сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлиқ этарга тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар. Алқисса, “Анносун ало дини мулукиҳим” муқтазосича, тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар”⁵.

Мадраса ва мактабларда ҳамда хон саройидаги илм аҳлининг турли мавзудаги китоб ва дарсликларга бўлган эҳтиёжи катта китоб захирасини талаб қилар эди. Асрлар давомида халқнинг қадриятлари, мафкураси, маънавий оламини белгилаб келган Ислом динига бўлган муносабат у билан боғлиқ адабиётлар, диний китоб ва рисолааларнинг кўплаб кўчирилиши, таржима этилиши ва китобхонларга тарқалишига ҳам катта эътибор қаратилди. Манбаларда Муҳаммад Раҳимхонга “хотири отир ва ройи мақотирлари (мақтовли хотиралари, тоза фикрлари) ҳамиша улуми шаръий таҳсили, масойили диний такмили ва таворих фойдалари иктисобиға муҳибб ва роғиб эрди” деб ҳам таъриф берилади⁶. Унинг китобхонлик мажлислари ҳақида: “Ҳамиша мажлиси ҳумоюнида илми дин муколамасининг завоҳири очилиб, кутуби тасаввуф мутолаасининг жавоҳири сочилур эрди” деб хабар берадилар замондошлари⁷.

Натижада бир қатор мадрасаларда ўзига хос кутубхоналар шакллана бошлади. Масалан, Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1871 йилда) қурдирган мадрасанинг катта кутубхонаси бор эди. Бу каби мадрасаларда тез-тез мушоиралар ўтказиб турилар, уларда хон Феруз, Комил Хоразмий, Огаҳий кабилар ғазалхонлик қилишарди. Шунингдек, Ҳожи Юсуф Доийнинг Арабхон мадрасасида ўтказадиган бедилхонлик кечалари ҳам ниҳоятда машҳур бўлган⁸. Хоразмлик Ғафуржон Усманий хивалик руҳонийларнинг энг кўп ўқийдиган китоблари ҳақида ёзиб қолдирган: “Чунки онлар, яъни, шул домлалар “Маслак”, “Саълук” ва шундайлардан четга чиқуб ўқий олмагонлар. Онлар шул китоблардан бошқани, яъни ўзлари кўрмаган ва исмини

⁴ Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърят асосида) // Филол. фан. илмий дараж олиш у-н тақ.қил.дисс.автореферати. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти. – Т.: 1999, – Б. 10.

⁵ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи... – Б. 95.

⁶ “Нур ал-абсор” таржимаси / Мутаржим Муҳаммад Шариф Хоразмий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 6804. – Б. 2а.

⁷ ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 8502. – Б. 16-2а.

⁸ Бобожон Тарроҳ. Хоразм навозандалари... – Б. 57-58.



эшитмаган китоблардан ҳеч бирини қабул қилмайлар, балки оёқларини тираб инкор қилалар”⁹.

Фикҳий саволларга қозилар томонидан берилган жавоблар – фатволар “Шарҳ Абул-макорим”, “Мухтор”, “Мухтасари Виқоя”, “Ашбоҳ”, “Хизона”, “Дурри мухтор”, “Баҳр ар-роиқ”, “Заҳириййа”, “Хулоса”, “Қозийхон”, “Динорий”, “Қуниййа” ва ниҳоят “Хидоя” каби асарлардан иқтибослар олиб берилиши ушбу китобларни дин пешволари кенг истеъмол қилганликларидан далолат беради¹⁰. Табиийки, бу хилдаги асарлар Хоразмда ҳам кўплаб кўчирилганлигини кўрсатади.

Халқ афкор оммасининг китобга бўлган талаби, китобхонлик маданиятининг юқорилиги, дин аҳлининг китоб ўқиш ва ўқитишга бўлган муносабатининг ижобийлиги, энг муҳими, хоннинг ҳам диний адабиётлар ўқиб туриши, диний асарлари китобатини қадрлаши натижасида Хоразмда ҳам диний адабиётлар китобати ошиб боришига сабаб бўлди.

Таниқли библиограф олим А.Носиров ўзининг “Хоразмга оид манбалар” асарида Хоразмда таржима қилинган диний мавзудаги китобларнинг 54 та нусхаси рўйхатини келтирган¹¹.

Уларни мавзуларга бўлиб чиққанимизда қуйидаги тартиб ҳосил бўлади:

Тафсир ва Қуръоний илмлар; Ҳадис; Тасаввуф; Ислом фалсафаси ва тарихи; Фикҳ; Фароиз; Калом-эътиқод; Диний қиссалар; Сияр; Маноқиблар.

Диний асарларнинг таржималарини кўздан кечирар эканмиз, уларда бошқа фанларга оид таржималар китобати каби Муҳаммад Раҳимхон Феруз фармони билан қилинаётганлиги таржима муқаддимасида ёки китоб хотимасида қайд қилиб ўтилади. Масалан, “Нур ал-абсор” асари муқаддимасида таржимон Муҳаммад Шариф махзум охунд бундай ёзади: “Бо вужуд ул Ҳазрат (яъни, Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони соний) “Нур ал-абсор” отлиғ арабий китобини туркий тилига таржима қилиб битсун, деган амри олийлари судур топди”¹². Бу қайдлар котибнинг китоб хотимасига ёзган китобатида ҳам ўз аксини топган¹³. Мулло Худойберган охун Хивақий ва Домла Отажон Хивақийлар ўша давр мадрасаларида ҳадис фани бўйича асосий ўқув дарслиги бўлган “Мишкот” (ал-масобих) китобини туркий тилига таржима қилганлар¹⁴. 1311/1893 йилда эса Домла Бекмуҳаммад томонидан Абдулалӣ Биржандийнинг “Мухтасар ал-Виқоя” асарига ёзган шарҳи таржима қилинади¹⁵. Унинг Мусо Тўра мадрасасида таржима этилганлиги ёзилган.

Хоразмлик хаттотлар диний адабиётлар китобатига ҳам эътибор билан қараганлар. Уларни бор маҳоратлари билан зийнатлаганлар. Қоғозининг сифатига эътибор берганлар. Бу, айниқса, хонга атаб кўчирилган асарларда яққол сезилади.

⁹ Усманий Ф. Хива ҳоллари // Вақт. – Оренбург, 1913-йил, 10-январь, 1103-сон. – Б. 3-4.

¹⁰ Каталог Хивинских казийских документов. XIX –начало XX вв // Составители: А.Урунбаев, Т.Харикова, Т.Файзиев, Г.Джураева, К.Исогой. – Ташкент-Киото. 2001. – 691 б. Таъкидлаш лозимки, ушбу фикҳистда қозиларнинг бу хилдаги ёзма ҳужжатлари “ривоят” деб берилган.

¹¹ Носиров А. Хоразмга оид манбалар. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 13423. – Б. 189-212.

¹² “Нур ал-абсор” таржимаси... – В. 2а.

¹³ “Нур ал-абсор” таржимаси... – В. 265б

¹⁴ Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Т.:Фан, 1965. – Б. 126.

¹⁵ ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 7314.



Масалан, Муҳаммад Раҳимхон Феруз томонидан мадрасага вақф этиб берилган, аслида бобоси Аллоҳқулихон даврида китобат қилинган Қуръони карим нусхаси эътиборлидир. Унда Қуръони карим билан бирга иккита тафсир - Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф.1505)нинг “Мавоҳиб ал-олия” ҳамда Жалолiddин Суютий ва Маҳаллийларнинг машхур “Тафсири Жалолайн” асарлари бирга кўчирилган¹⁶. Моҳир хаттотлар томонидан зийнатланган бу ноёб нусхада Хоразм хаттотлик мактабларининг энг етук намунаси ўз ифодасини топган. Суралар номи тўқ қизил рангда ёзилган, оятлар тагига эса қизил рангда чизиб қўйилган. Матн тилларанг чизиқлар дастасидан иборат рамка ичига олинган, бутун варақ ҳошиясига эса сидирғасига қизил ва ҳаворанг чизиқ тортилган.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг юқорида номи тилга олинган асари халқ орасида “Тафсири Ҳусайний” номи билан юритилар, уни муаллиф буюк шоир Алишер Навоийга бағишлагани учун ҳам Хоразмда қадрланар эди. Ушбу асар Хивада 1261/1845 йилда ўзбек тилига таржима этилади. Уни Абдуллахон мадрасасининг бош мударриси Ибодуллоҳ охунд Хокий Хиванинг бош вазири Муҳаммад Яъқуб меҳтарга атаб кўчирган¹⁷. Унинг охирида Хокийнинг 33 байтдан иборат ўзбек тилида китобат хотимаси ҳам мавжуд.

Кўқон қоғозига кўчирилган ушбу ноёб манбада пойгирлар тўла берилган, варақлар сони ҳар бир варақ тепасига чап тараф бурчагида кўрсатиб кетилган. Уч чизиқли жадвалга олинган матн қора настаълиқда кўчирилган. Оятлар эса насх хатида бўлиб, уларнинг тепасидан қизил сиёҳда чизиқ тортилган. Шунингдек, оятлардаги вақф аломатлари, калималардаги тажвид қондаси бўлмиш “мад мунфасил” қизил рангда. Жузъ, ярим жузъ ва рубълар белгиси матн ҳошиясига ёзиб кетилган. Хуллас, асар Хоразм китобат санъатининг диний мавзуга оид адабиётлар бўйича етук намунаси ҳисобланади.

Хоразмлик хаттотлар диний асарларни кўчиришда, хусусан, катта-катта ҳажмдаги асарларни кўчиришда китоб зийнатига унчалик эътибор бермаганлар. Шу боисдан бўлса керак, баъзи асарларда жадвал тортилмаган (масалан, ЎЗР ФА ШИ инв. №8478; 7433). Диний асарларнинг кўпчилиги ўрта асрларда яшаб ўтган олимларнинг асарларига ёзилган шарҳ ва изоҳлар эканлигини қайд этиб ўтишимиз даркор. Матн сўзлари одатда билиниб турсин учун қирмизи сиёҳда кўчирилган ёки матн устига қора чизиқ тортилган. Оят ва ҳадислар сулс ва кўпинча насхда ёзилади, баъзида эса (масалан, ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси №8440 рақамли нусхада) ҳаракатлари қўйилган настаълиқда кўчирилган. Асосий матн эса ўша давр одатига кўра қора настаълиқда кўчирилади.

Хоразмлик хаттотлар китобат хотимасини ўзгача тарзда якунлашни ўзлаштирган эдилар. Улар моҳир хаттот ва шоир Мунис Хоразмий каби хотимани анъанавий байтлар

¹⁶ Асар ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 1226 бўлиб, унда 1256 ҳ. йил санаси қўйилган Аллоҳқулихон муҳри урилган ва хон Феруз томонидан 1301 ҳ. вақф қилингани қайд этилган. Қаранг: Oriental miniatures. 18 th-19 th centuries. Volume II. – S.30-35.

¹⁷ ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 7455. Китоб Хоразмнинг кўзга кўринган маърифатпарварларидан Мулла Бекчон Раҳмон ўғлининг шахсий кутубхонасида 68 тартиб рақами билан сақланган.



билан эмас, ўзлари ижод қилган шеър билан якунлаганликларини учратамиз. Масалан, Рамазон ойида китоб кўчириб бўлган хаттот китобатини мана бундай тугатган:

Илоҳи, раҳм қил бу нусхага моҳи шариф ҳаққи,

Илоҳи, бу кечаю бу ояту Ёсини шариф ҳаққи!¹⁸

Баъзида хаттот ўқувчилардан дуои хайр ҳам сўрайди. “Бу китобни ёзғувчини ўқигувчилар дуои хайр бирла ёд қилгайлар ва яна падару модарини ва ҳам хеш-ақраболарини руҳи покларини бир “алҳамду”, уч мартаба “сураи ихлос” ўқуб бахш қилсунлар”, деган котиб илтижоларини ўқиймиз Хоразмда кўчирилган бир маноқибда¹⁹.

Хоразмда кўчирилган ва хон буйруғи асосида таржима қилинган диний асарлар орасида икки таржимон таржимаси ва икки хаттот кўчирган китоблар ҳам бор. Масалан, “Фикҳи Кайдоний” асари XIX асрнинг охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хоразмнинг машҳур диний арбоблари Муфтий Ибн Шермуҳаммад Хоразмий ҳамда Муҳаммад Расул охунд Мирзолар тарафидан ўзбек тилида шарҳ қилинади. Бу асар Хива тошбосмасида 1309/1891 йилда кўп нусхада нашр ҳам этилган.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) аҳли байтларининг манқабаларига бағишланган “Нур ал-абсор” асари 1322-1325/1904-1907 йилларда “арабий китобини туркий тилига таржима қилиб” битилади. Уни хоразмлик Муҳаммад Шариф охунд ҳамда Мулло Муҳаммад Амин Хоразмийлар таржима қилганлар²⁰.

Кўриниб турибдики, Хоразмда кўчирилган диний асарлар китобати ҳамда таржималари ишида диний арбоблар, мадраса мударрислари, қишлоқ ва овуллардаги муллалар ҳам фаол қатнашганлар.

Хива хонлигининг энг сўнги муфтийларидан бири, Раис эшон номи билан машҳур бўлган Нуруллоҳ охунд ибн Абдурахмон сўфи Хоразмий Феруз хон фармонига кўра илми каломга бағишланган асар таълиф қилади. Туркийда битилган бу асар ўтмишда калом илмида ёзилган йирик ҳажмли китоблардан танланган ибораларнинг туркий таржима ва изоҳларидан иборат. Асар охирида муаллифнинг сўнгсўзи ҳам бор. Унда ақида ва фикҳий масалалар борасида Муҳаммад Раҳимхони соний фармонига кўра арабча матнлардан жамъланган ушбу китоб 1322/1904 йилда тугатилганлиги қайд этилади²¹.

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг устози, энг ҳурмат қилган диний арбоби Муҳаммад Юсуф ҳожи Доий эди. У Арабхон мадрасасининг бош мударриси, кейинчалик Хоразмдаги етти муфтийнинг бири бўлган. У Имом Ғаззолийнинг “Минҳож ал-обидийн” асарини ўзбек тилига таржима этган ва ўзи 1308/1890 йилда китобат қилади. Асар ниҳоятда маҳорат билан чиройли настаълиқда ҳафтранг қоғозга

¹⁸ ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 8478.

¹⁹ ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 8478/III

²⁰ ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 6804.

²¹ ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 7360. – В. 178а



кўчирилган²². Энг аҳамиятли томони шундаки, унинг замондоши Бобожон Тарроҳ Ходим “У кишининг ўзи хат ёза билмас” деб ёзган эди²³.

Умуман олганда, Хоразмда кўчирилган диний адабиётларни ўрганиш ва улар китобатини тадқиқ этиш диншунослик, китобат тарихи, диний асарлар тадқиқотлари учун муҳим маълумотлар бериши шубҳасиздир. Биз бу ерда булар борасида қисқача маълумотлар бериб ўтдик, холос.

References:

1. Муҳаммад Содиқ Тафсири Ҳилол. –Т., Мовароуннахр, 1991.
2. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т., 1976.
3. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. МЛ, 1951. Муниров Қ. Шарқ қўлёзмалари. –Т., 1962.
4. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.,Фан,1971.
5. Мухамедова З.Б. К текстологии Махтумкули (о стихах Махтумкули по рукописи...— Народы Азии и Африки. 1961, № 6.
6. Ҳ.А.Аминов - Хоразмда китоб тарихи манбалари (XVIII аср иккинчи ярми – XX аср бошлари.
7. Бертельс Е. Э. Низами и Фузули. М., 1962. Стр. 458—475.
8. Бертельс Е.Э. 1-коференция востоковедов: "Крит. Изд. классических памятников" (тезисы) –Т., АН УзССР,1957.
9. Бухмейер К.К. (сост.) Издание классической литературы. М., 1963.
10. Винокур Г. Критика поэтического текста. М., 1927.
11. Вопросы текстологии. Сборник статей. (Вып.1,2,3). М., 1957, 1960, 1964.
12. Жувонмардиев А. Ҳарфлар рақамларга айланганда. –Т., 1966.
13. Закиров С.З. Издания на восточных языках в Казани в I пол. XIX века. Народы Азии и Африки. 1961, № 6.
14. Зограф Г.А. Описание рукописей хинди и панджаби. ИВ., М., 1960.
15. Иномхўжаев Р. Араб ўзбек ёзуви. Ўқув дастури. Т. 1989.
16. Исотин В.А. Возникновение и развитие письма. М., 1965.
17. Исҳоқов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи. (—Ўзбек адабиёти тарихи масалалари|| китобида). –Т., 1976, 78— 100-б.
18. Исҳоқов М. Сўғдиёна тарих чорраҳасида. Т. "Фан" 1990.
19. Исҳоқов Ф. Гулханийнинг "Зарбулмасал" асари. –Т., 1976.
20. Кази-Ахмед Трактат о каллиграфиях и художниках. М.-Л. 1947. Камол Фахрий Ёзувлар тарихидан. —Фан ва турмуш||. 1957 , № 4,5.
21. Каримов Ё. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т., 1966, 1975, 1987.
22. Каталог Каталог фонда Института рукописей. В 2-х томах. –Т., 1988, 1989.
23. Каталог Собрание восточных рукописей АН УзССР, 132
24. 11 т-в. –Т., 1952—1975.

²² ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 8502. Китоб Хива шаҳзодаларидан Саййид Абдуллоҳ тўранинг шахсий кутубхонасида сақланган.

²³ Бизнингча, Муҳаммад Юсуф Дойи Исломининг буюк алломалари анъанаси, яъни асарларини шогирдларига имло қилиб (оғзаки айтиб туриб) ёздириш анъанасига содиқ қолган кўринади.



25. Каталог Арабских рукописей ин-та народов Азии(1-3 вып). М., 1960-65
Крачковская В.А. Памятники арабского письма Средней Азии и Закавказья. до IX в.
Эпиграфика Востока. 1952, вып. 6.
26. Крачковский И.Ю. Над арабскими рукописями. М. - Л., 1943.
27. Лившиц В.А. Согдийский документ В-4 с горы Муг. Проблемы востоковедения, 1959, № 6.
28. Лихачев Д. С. О некоторых неотложных задачах специальных филологич. Дисциплин. Вестник АН СССР 1976, № 4.
29. Лихачев Д.С. Текстология (на материале русской литературы X - XVII вв.). М.- Л., 1962, 1983.